



POLAND



POLAND

## ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ

**Каримова Мавжуда Боходировна**

"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси катта

ўқитувчиси, НамМТИ

mavjudakarimova2@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10704586>

**Аннотация:** Мазкур мақолада кичик бизнесни ривожлантиришда тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади.

**Калит сўзлар:** бизнес, фойда, даромад, наф олиш, тадбиркорлик фаолияти, максимал фойда, молиявий қўллаб-қувватлаш, бизнес режа, бизнес лойиҳалари.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва ишга тушириш, сотув бозорларини кенгайтириш, хусусий инвестиция шерикларини жалб қилиш, бизнес режалар ва техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва бизнесни ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ бошқа йўналишларда, инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, камбағаллик даражасини пасайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали ривожи учун ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий шарт-шароит яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биринчи ўринда кичик бизнес субъекти максимал фойда олиш учун ишлаб чиқариш хажмини аниқлаб олиши керак.

Бизнес тушунчасининг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш ўз навбатида, жараён тушунчасини ҳам ёритишни тақозо этади. Жараён бу ISO 9000:2000 терминига кўра, ўзаро боғлиқ ёки ўзаро таъсир қилувчи фаолият турлари барча киримларининг натижаларига айлантирилишидир. Бизнес жараёни истеъмолчи учун нафлилик касб этувчи, мавжуд ресурслардан фойдаланиб маҳсулот ёки хизматлар яратиладиган турли хил фаолиятлар тўпламидир<sup>11</sup>

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари» тўғрисидаги қонуни. - Т. Халқ сўзи, 2000 йил 25 май, 69-П-сон.



POLAND



POLAND

2023 йилнинг 18 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича «узлуксиз хизматлар занжири»ни яратиш мақсади қўйилди.

«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури иштирокчиларини молиявий ва консултатив қўллаб-қувватлаш инструментлари ва улардан фойдаланиш шартлари белгиланди.

Республикамизда бизнес ривожланишининг асосий тамойиллари, ташкилий-ҳуқуқий асосларини ёритиш ҳамда хориж тажрибасини ўрганиш, бизнеснинг ривожланиш хусусиятларини илмий амалий жиҳатларини асослаш ҳамда илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш бизнес соҳасини янада ўстиришга хизмат қилади.

«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурининг ташкилий-институционал тузилмаси ва мутасадди ташкилотларнинг асосий вазифалари тасдиқланди.

Дастурни 2023 — 2026 йилларда амалга ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари йўналтирилиши белгиланди.<sup>2</sup>

2023 йил 1 октябрдан бошлаб Дастурда иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий ва консултатив қўллаб-қувватлаш чоралари этиб қуйидагилар белгилансин:

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишида:

-тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағлар учун револьвер тарзда 3 йилгача муддатга йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада 1,5 миллиард сўмгача кредитлар ажратиш ва (ёки) асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг бериш. Бунда, 100 миллион сўмгача кредитларни гаровсиз, 150 миллион сўмгача кредитларни гаров талаби 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ажратиш имконияти назарда тутилади;

-қиймати 1,5 миллиард сўмгача бўлган асосий воситаларни 7 йилгача

бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қарзга бериш;

<sup>2</sup> «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сонли қарори



24 ойдан ортиқ фаолият юритаётган ва охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган ҳамда камида 10 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган кичик тадбиркорлик субъектларининг янги лойиҳаларига ва мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид лойиҳаларига бўш турган давлат мулки объектлари ва ер майдонлари, асбоб-ускуналар, бино-иншоотлар ва бошқа кўринишдаги моддий активлар билан 20 фоизгача, бироқ 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган қийматда улушдор бўлиб кириш;

-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, юқори технологик стартап лойиҳаларига давлат илмий дастурлари доирасида 2 миллиард сўмгача грант маблағларини ажратиш;

Кичик бизнесни консултиватив қўллаб-қувватлаш йўналишида:

-лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш масалалари, божхона ва солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт операциялари, шартномаларни расмийлаштириш;

-давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, ер участкалари ва бино-иншоотларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ва лойиҳалаштириш;

-тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги имтиёз ва преференциялар, мавжуд бошқа енгилликлар ва имкониятлар бўйича маълумот ва маслаҳатлар бериш.

Демак, тадбиркорлик бизнеснинг бир тури бўлиб, фойда олиш мақсадидаги яратувчанлик, яъни товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятidir. Бизнес иқтисодий категория сифатида кишилар ўртасидаги даромад, наф олиш мақсадида хўжалик фаолиятини юритиш юзасидан бўладиган муносабатлар мажмуасини ифодалайди.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилган ҳолда, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали ривожини учун ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий шарт-шароит яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Бизнес - бу жисмоний ва юридик шахсларнинг бозор муносабатлари тизимидаги ишчанлик фаолияти ҳамда ишлаб чиқариш ҳамда сервис соҳасида даромад олиш ва бошқа ижобий самарадорликка эришишга қаратилган фаолият туридир”.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик



муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848 сонли фармони.

2. «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сонли қарори.

3. Шодмонов Ш.Ш., Б.Э.Мамарахимов “Иқтисодиёт назарияси”. – Т.: Иқтисод-молия, 2016. – 65-б.

4. Ўлмасов А., Ваҳобов А. “Иқтисодиёт назарияси” Тошкент “Иқтисод-молия”, 2014. 32-б.

5. Маматов Б.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиёти ва уни такомиллаштириш. 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2010. – 22 б.

6. Karimova, M. (2023). Urgent Issues of Accounting for Fixed Assets in the Context of Modernization of the Country. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development, 2(10), 96-100.

7. Каримова, М. Б. (2023). УЧЕТ АРЕНДЫ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ В СООТВЕТСТВИИ С МСФО. Miasto Przyszłości, 41, 27-32.

8. Sobirov, O. O., & Karimova, M. (2023). Problems of Effective use of Key Equipment in Enterprises. International journal of Formal Education, 2(6), 366-368.

9. Karimova, M. B. (2023). MAMLAKATIMIZNI MODERNIZATSIYA QILISH SHAROITIDA SANOAT KORXONALARIDA MOLIYAVIY XAVFSIZLIKNI TA'MINLASHNING ASOSIY YO'NALISHLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(6), 365-377.

10. Каримова, М. (2022). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИ ТАҲЛИЛИ. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2(13), 83-89.

11. Каримова, М. Б. (2022). Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилишнинг роли ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари. Та’лим фидойилари, 22(7), 746-757.

12. Каримова, М. (2022). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ АУДИТИ ТАҲЛИЛИ. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2(13), 220-227.



POLAND

## CURRENT APPROACHES AND NEW RESEARCH IN MODERN SCIENCES

International scientific-online conference



POLAND

13. Турсунов, У. С., & Косимова, Н. Ч. (2021). Роль косвенных налогов в налоговой системе. *Universum: экономика и юриспруденция*, (6 (81)), 4-7.
14. Yuldashalievich, M. B., Ibragimovich, I. R., Sativoldiyevich, T. U., & Khafizovich, K. A. (2020). A VISION OF INNOVATION MANAGEMENT. *American Journal of Economics and Business Management*, 3(5), 281-288.
15. Tursunov, U. (2020). Co-integration Analysis of Relationship between the Small Business Export Potential and Poverty Reduction in Uzbekistan. *Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN*, 2249(0892).

